

266/425 – عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الرَّبِيعِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ عِتْبَانَ بْنَ مَالِكٍ وَهُوَ مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِمَّنْ شَهِدَ بَدْرًا مِنَ الْأَنْصَارِ، أَنَّهُ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدْ أَنْكَرْتُ بَصْرِي، وَأَنَا أَصْلِي لِقَوْمِي، فَإِذَا كَانَتِ الْأَمْطَارُ، سَالَ الْوَادِي الَّذِي بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ، لَمْ أَسْتَطِعْ أَنْ آتِي مَسْجِدَهُمْ فَأُصَلِّيَ لَهُمْ، وَوَدِدْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنَّكَ تَأْتِينِي فُضِّلِي فِي بَيْتِي فَأَتَّخِذَهُ مُصَلَّى، قَالَ: فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَأَفْعَلُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ». قَالَ عِتْبَانُ: فَعَدَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ حِينَ ارْتَفَعَ النَّهَارُ، فَاسْتَأْذَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأُذِنَتْ لَهُ، فَلَمْ يَجْلِسْ حَتَّى دَخَلَ الْبَيْتَ، ثُمَّ قَالَ: «أَيْنَ تُحِبُّ أَنْ أُصَلِّيَ مِنْ بَيْتِكَ؟» قَالَ: فَأَشْرْتُ لَهُ إِلَى نَاحِيَةِ مَنْ الْبَيْتِ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَبَّرَ، فَقُمْنَا فَصَفْنَا، فَصَلَّى رُكْعَيْنِ ثُمَّ سَلَّمَ، قَالَ: وَحَبَسْنَاهُ عَلَى خَزِيرَةَ صَنَعْنَاهَا لَهُ، قَالَ: فَتَابَ فِي الْبَيْتِ رِجَالٌ مِنْ أَهْلِ الدَّارِ دَوُو عَدَدٍ، فَاجْتَمَعُوا، فَقَالَ قَائِلٌ مِنْهُمْ: أَيْنَ مَالِكُ بْنُ الدُّخَيْشِنِ، أَوْ الدُّخَيْشِنِ؟ فَقَالَ بَعْضُهُمْ: ذَلِكَ مُنَافِقٌ لَا يُحِبُّ اللَّهُ وَرَسُولَهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَقُلْ ذَلِكَ، أَلَا تَرَاهُ قَدْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، يُرِيدُ بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ؟». قَالَ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: فَإِنَّا تَرَى وَجْهَهُ وَنَصِيحَتَهُ إِلَى الْمُنَافِقِينَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَإِنَّ اللَّهَ قَدْ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، يَبْتَغِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ».

266.425 Маҳмуд ибн Рабиъ Ансорий розияллоху анху хабар қилади:

«Итбан ибн Молик – у Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Бадрда иштирок этган ансорий саҳобаларидан – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, кўзим хиралашиб қолди. Қавмимга намоз ўқиб бераман. Ёмғир бўлиб, мен билан улар ўртасидаги

водийда сел оққанида, масжидга бориб, уларга намоз ўқиб бера олмай қоламан. Истардимки, эй Аллоҳнинг Расули, келиб уйимда намоз ўқиб берсангиз-у, ўша жойни намозгоҳ қилиб олсам», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Аллоҳ хоҳласа, албатта шундай қиламан»**, дедилар».

Итбан айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр эрталаб қуёш кўтарилган пайтда келдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изн сўрадилар, мен изн бердим. Уйга кирмагунча ўтирмадилар. Кейин: **«Уйингнинг қаерида намоз ўқиб беришимни истайсан?»** дедилар. У зотга уйнинг бир четини кўрсатдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, таҳрима такбирини айтдилар. Биз ҳам турдик. У зот бизни сафга турғизиб, икки ракат намоз ўқидилар, сўнг салом бердилар.

У зот учун тайёрлаган хазирамизни* деб, у зотни ушлаб қолдик. Шу пайт маҳалладагилардан бир қанча киши бирин-кетин уйга кириб тўпланишди. Улардан бир киши: «Молик ибн Духайшин [ёки ибн Духшун] қаерда?» деди. Уларнинг бири: «У Аллоҳ ва Расулини севмайдиган мунофиқ-ку», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ундай дема! Унинг Аллоҳнинг важҳини (розилигини) ирода қилган ҳолда «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деб айтганини билмайсанми?»** дедилар.

«Аллоҳ ва Расули билувчи. Бироқ биз унинг мунофиқларга мойиллигини ва уларга самимиятини кўряпмиз-да?!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳнинг важҳини истаган ҳолда «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деган кишини Аллоҳ дўзахга ҳаром қилгандир»**, дедилар».

Ибн Шихоб (ровийлардан бири) айтади: «Хусойн ибн Муҳаммад Ансорийдан - у Бану Солим қабиласининг обрўли кишиларидан - Маҳмуд ибн Рабиънинг ушбу ҳадиси ҳақида сўраган эдим, бу ҳадис борасида уни тасдиқлади».

* Хазира - таом тури. Гўштни майда тўғраб, сувда қайнатилади. Гўшт чала пишганидан сўнг уни ун билан аралаштириб, қовуриб пиширилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

